



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
FARMOYISHI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 10 - Феврал

179 -son

Bog‘ot shaharchasi

Боғот тумани “Ашхобод” маҳалласидаги 70 (етмиш) туп шарқ туяси дарахтларини кўчиришга рухсат этиш тўғрисида.

Хоразм вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 2021 йил 21 январдаги 12-сонли хулосасига асосан Боғот тумани “Ашхобод” маҳалласидаги 70 (етмиш) туп шарқ туяси дарахтларини кўчиришга рухсат этиш мақсадида:

1. Хоразм вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 2021 йил 21 январдаги 12-сонли хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Боғот туманида рўйхатдан ўтган “Suhrob Otamurod” хусусий корхона раҳбари И.Хайитовга:

- Юқорида қайд этиб ўтилган манзарали дарахтларни Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 2021 йил 21 январдаги 12-сонли хулосасига асосан Боғот тумани “Ашхобод” маҳалласидаги 70 (етмиш) туп шарқ туяси дарахтларини кўчиришни амалга оширсин.

- Дарахтларни кўчириш жараёнида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширсин.

3. Ушбу фармойиш асосида кўчирилган дарахтларни назорат қилиш Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Боғот туман инспекцияси бошлиғи (А.Мавлонов) зиммасига юклатилсин.

4. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**

Ш.Яхшибаев